

Казарма биносида хаёт-мамот масаласи хал бўлаётган бир одамни суд килишарди. Бу – Окбалик дарёси сохилларидан келган чол эди. Чолнинг кўрилаётган иши бутун Доусонни оёкка тургизди, нафакат Доусонни, балки оким бўйлаб иккала томонга минглаб чакиримларга чўзилган Юкон ўлкасини-да жунбушга келтирди. Денгизда карокчилар, курукликда талончилар айшини сураётган бир замонда англосакслар аллакашонлар итоаткор халклар хаётига конунни сингдириб бўлишганди ва бу конун шафкатсиз эди. Лекин Имбернинг ишига келганда конун илк дафъа мурувватли бўлиб кўринди. Бу конун оддий хисоб-китоб нуктаи назаридан каралганда мутлак жиноят билан тенглаша оладиган бунаканги жазони мўлжалламаганди. Жиноятчи олий жазога махкум, бунда иккиланишга ўрин йўқ асло; бироқ жазо катл билан яқунланса-да Имбер бор-йўги ўзининг бошини кундага кўя оларди, холос; бўйнида эса кўпларнинг хаёти қарз бўлиб қолаётганди.

Аслида Имбернинг кўли шу қадар конга ботгандики, унинг қурбонлари саноксиз эди. Ўлка ахалиси кўналгада тўхтаб ёки печка ёнида ялқовланиб, мундштук буркситганча бу чол тушмагур нечтасининг ёстигини курутганини чўтга солиб чамалашарди. Бахтиқаро қурбонларнинг барчаси ҳеч бир муболагасиз оқ танлилар эди; улар якка-якка, жуфт-жуфт ва тўдалашиб халок бўлишди. Котилликлар шунчалик маъносиз ва асоссиз эдики, узок вақт мобайнида Кириллик отлик полицияси бу жумбоқнинг тагига етолмади. Хатто дарё бўйида олтин казилиб, доминион ҳукумати аҳолидан ўз бойликлари учун солиқ йиғиштириб олгани губернаторни жўнатганда ҳам ёпиғлик қозон ёпиқлигича қолди.

Бироқ энг катта жумбоқ шу бўлдики, Имбернинг ўзи Доусонга – одил суд ҳукмига бош эгиб келди. Бахорнинг охирида, Юкон ўзининг муз қишанларини ечишга уриниб хайкириб-бўкирганда мўйсафид хинду муз устидаги йўлидан бурилди-да, киргок тепалигидан амал-тақал ўтди ва саросима ичида шохқўчада тўхтади. Чолга кўзи тушганларнинг бари пайкашдики, у анчайин қучдан қолган. У гандирақлаб ёғоч уюмига етиб борди-да, чўқди. Ён-веридан ўтиб кетаётган оқ танлиларнинг адоқсиз оқимида разм солганча уззукун шу ерда ўтирди. Кўпчилик унга қараш учун бот-бот ўгирилишар, галати афт-ангорли бу кекса сиваш баъзиларни ўйга толдирарди. Кейинчалик ўнлаб қишилар хиндунинг гайриқийёфаси уларни хайратга солганини эслаб, қун бўйи зийракликларидан гердайиб юришди.

Шундай эса-да асл қахрамон Митти Диккенсен бўлди. Митти Диккенсен бу юртларда эзгу умидлар-у чўнтагида бир даста доллар билан хозир бўлганди, аммо чўнтакдаги ақча ила умид ҳам ҳавога учди. Штатларга қайтишга маблағ йиғиш учун у “Холбрук ва Мэйсон” даллоллик идорасида хисобчи курсисини эгаллади. Айни “Холбрук ва Мэйсон” идорасининг рўпарасида Имбер жойлашиб олган ёғочлар уюми ётарди. Диккенсен уни нонуштадан аввал деразадан кўриб қолди, нонуштадан сўнг қайтиб келиб яна деразадан мўралади: кекса сиваш халигача ўша ерда ўтирарди.

Диккенсен тез-тез деразадан назар ташлаб турди; кейинроқ у ҳам зийраклигидан фахрланиб юрди. Митти Диккенсен сал хаёлпарастроқ эди, шунгами, у кўзгалмай ўтирган кекса мажусийда сиваш халқининг тимсолини, англосакс босқинчиларига боқиб турган тушуниксиз хотиржамликни кўрди.

Соатлар бир-бирини қувалашар, Имбер эса қилт этмай ўша ҳолатда ўтирарди.

Диккенсен бир пайтлар шохқўча ўртасида қана келиб тўхтаганини, устида шундай

харакатсиз ўтирган кимсани эслади; унинг теграида ўткинчилар уймаланишар, хамма уни дам оляпти, деб ўйлар, кейин эса унга кўл теккизиб кўришганда мурдага айланганлиги маълум бўлди – совукда тарашадай котиб колганди. Жасадни тўгрилаш учун – йўкса тобутга сигмасди – уни гулхан ёнига келтириб, музини туширишга мажбур бўлишганди. Диккенсеннинг бу ўйлардан эти жимирлаб кетди.

Бир оздан сўнг Диккенсен сигара чекиб, шамоллагани кўчага чикди. Дакика ўтиб Эмили Трэвис пайдо бўлди. Эмили Трэвис латофатли, нозикнихол ойимтилла эди, Лондон ёинки Клондайкда бўлишидан катъи назар миллионларга эга тог мухандисининг арзандасидек кийинарди. Митти Диккенсен сигарасини дераза тоқчасига ташлаб, шляпасини андак кўтариб кўйди.

Улар ўн дакикача валаклашди. Бирдан Эмили Трэвис Диккенсеннинг елкаси оша караб кичкириб юборди. Диккенсен шошиб ўгирилдию, сапчиб тушди. Имбер кўчани кесиб ўтиб, киздан кўзини узмай соядай уларнинг пешонасида турарди.

– Нима керак? – журъатланди Митти Диккенсен овози калтираб.

Имбер нимадир деб мингиллаб, Эмили Трэвисга якинрок келди. У кизни бошдан-оёк синчиклаб кўздан кечирди. Айникса кизнинг ипаксимон кўнгир сочлари ва ол ёноклари чолда алохида кизиқиш уйготди. У нигоҳини узмай кизни айланиб ўтди, гўё отнинг бўй-бастини ёки кайикни ўрганаётгандай. Ногахон у ботаётган куёшнинг нурлари кизнинг кизгиш кулокларидан ўтиб шуълаланаётганини пайкадию, такка тўхтади. Кейин яна унинг юзларини “текшириш”га тушди ва кизнинг мовий кўзларига узок тикилиб колди. Тагин ниманидир тўнгиллаб, бир кўли билан нозикойимнинг билэгидан ушлаб, иккинчиси билан тирсагини букиб кўрди. Хиндунинг юзида нафрат ва хайрат акс этди, пўнгиллаб Эмилининг кўлини кўйиб юборди. Сўнг бўғзидан канакадир товушлар чикариб, кизга орка ўгирди ва Диккенсенга нимадир деди.

Диккенсен унинг сўзларини тушунмади, Эмили эса кулгудан ўзини тиёлмади. Имбер кошларини чимириб дам Диккенсенга, дам Эмилига сўз котар, улар факат бош силкиб кўйишарди. Энди улардан нари кетмокчи бўлганди, киз кимнидир чакирди:

– Хей, Жимми! Бу ёкка келинг!

Жимми кўчанинг нариги тарафидан якинлаша бошлади. Бу ок танлилар каби кийинган, бошига Эльдорадо азаматларининг кенг соябонли катта шляпасини кўндириб олган дароз, бесўнакай хинду эди. Тутилиб-тутилиб Имбер билан гаплашди. Жимми ситхадан эди; ўлканинг ичкарасида яшайдиган кабилалар тилида факатгина энг оддий сўзларни биларди.

– У Окбалик кабиласидан, – деди у Эмили Трэвисга. – Меники унинг тилини яхши билмайди. У энг катта ок танлини кўрмокчи.

– Губернаторни, – тўгрилади Диккенсен.

Жимми Окбалик кабиласидан бўлган одам билан яна бир неча сўз алмашдию, юзи таажжуб ва ташвишли тус олди.

– Унга капитан Александер керак, деб ўйлайман, – деди Жимми. – Айтишича, у ок танли эркакни, аёлни, болани, кўпгина-кўпгина одамни ўлдирган. Ўзи хам ўлишни истади.

– Аклдан озган, шекилли, – деди Диккенсен.

– Бу нима дегани? – сўради Жимми.

Диккенсен бош чаногини тешмокчидек бармогини чаккасига тиради-да айлантирди.

– Балки, балки, – деди Жимми хамон ок танлиларнинг каттасини сўраётган Имберга ўгирилиб.

Кироллик отлик полициясидан миршаб етиб келди (Клондайкда улар отсиз юришади), у хам Имбернинг талабини эшитди. Миршаб кенг ягринли, девкор, оёклари бакуват давангир эди; Имбер канча новча бўлмасин, миршаб ундан ярим калла баланд эди. Кўзлари совук ва кўк, нигохи теран, келбатидан хув, ўша асрлар оша аждодлардан ўтиб келаётган ўз кучига бўлган ишонч ёгилиб турарди. Койилмаком жасорати ёшини яшириб турарди – у хали ёш бола эди, силлик ёнокларида кизиллик кизалокнинг юзидаги каби тезлик-ла югурарди.

Имбер эндигина миршабга разм солди. Ёш миршабнинг иягида шамшир дами колдирган чандикни кўриб хиндунинг кўзларидан ўт чакнади. Шалвираган кўлларини миршабнинг сонига олиб борди ва унинг мушакдор оёқларини пайпаслади. Бармоги билан гавдасини чертди, кейин ўспириннинг елкаларини совут мисол коплаб турган бакуват мушакларни ушлаб кўрди. Уларнинг атрофида аллакачон ўткинчилар тўпланишганди – олтин изловчилар, тоғ ахолиси, янги ер эгалари – барчаси узун оёкли, кенг елкали ирк фарзандлари. Имбер гоҳ унисига, гоҳ бунисига кўз ташлаб, Окбаликлар тилида нимадир деди.

– Нима деяпти? – сўради Диккенсен.

– У айтдики – бу кишиларнинг барчаси миршабга ўхшаган дароз, бир тоифадан экан, – таржима килди Жимми.

Митти Диккенсен паст бўйли эди, шу боис Трэвис хоним қошида бундай савол берганига пушаймон бўлди. Миршаб бунга пайкаб, гапни бошка ёкка бурди.

– Бунда бир гап бор, шекилли. Уни капитаннинг хузурига олиб бораман. Унга айт, Жимми, мен билан юрсин.

Жимми тагин кекса хиндуни сикувга олди, Имбер бир нима деб тўнгиллади, лекин юзидан мамнуниятни укиш мумкин эди.

– Ундан сўра-чи, Жимми, кўлимни ушлаганда нималарни ўйлаган экан?

– Унинг айтишича, сиз кўрок эмассиз.

Бундай жавобдан Эмили Трэвис хузурланиб кетди.

– Айтдики, сиз скукум эмассиз, шундай нозиксизки, худди мургак боладек. У сизни кўллари билан минг бўлакка бўлиб ташлаши мумкин. Манов миршабдек азаматни дунёга келтира олишингизга лол қоляпти.

Эмили Трэвис кўзларини тик кадаб туришга ўзида катъият топа олди, аммо юзлари алвон тус олди. Митти Диккенсен эса анорга айланди, ёш миршабнинг юзи эса лолзорга.

– Хой, сен, кани, юр-чи, – деди бирдан миршаб оломонни елкаси билан тисариб.

Шу тарика Имбер ўз ихтиёрига кўра барча-барчасига икром бўлган хамда кейин у ердан кайтиб чикмаган Казармага келиб колди.

Имбер каттик толиккан кўринарди. У карташиб колган, умид учкунлари ўчган, бу унинг ранг-рўйдан маълум эди. У мункайиб, кўзлари нурсизланиб колганди; сочлари оппоқ оқариши лозим эди, бироқ куёш ва ёгин-сочин сочларини шунаканги куйдиргандики, энди улар туссиз, патакка айланганди. Атрофидаги ходисаларга унда зигирча кизикиш топилмасди. Хона олтин изловчиларга, овчиларга лик тўлган, уларнинг вахимали шовкинлари Имбернинг кулоклари остида киргокка урилган денгиз тўлкинларидек шовулларди.

У дераза ёнида ўтирар, локайд нигохи дам-бадам кўз олдида намоён бўлган, юракни энтиктирадиган манзарада тўхтарди. Кўкни булутлар эгаллаган, чор атроф рутубатга чўмган. Юконда бахорги тошкин бошланганди. Музлар эриб, шахарни сув босганди.

Шохкўчадан икки тарафга ҳеч тиним билмас кишилар эшкак эшишарди. Гох у, гох бу кайик кўча томондан Казарма олдидаги сув босган харбий майдонга кайрилар; якинрокка сузиб келиб кўздан йўқолар, Имбер кайик ёғоч деворга урилганини сезиб турар, эшкакчилар бинога дераза ошиб кирар эдилар. Кейин эса сув шалоплатишиб юкори каватга кўтарилишаётгани эшитиларди. Шляпаларини ечишиб сувга бўккан денгизчилар этигида хонага кириб, судни кутаётган оламонга кўшилиб кетишарди. Хиндунинг муносиб жазоланишидан мамнун бўлаётган бу кишилар унга ёвқараш тикилишар экан, Имбер уларнинг удумлари, мезонлари, Конуни, кайсики яхши замонда хам, ёмон замонда хам, тошкину очликда, кулфатни-да ўлимни писанд килмай азал-азалдан яшаб, асрлар давомида кўлланиб келинаётган Конун борасида ўй сурарди.

Аллаким столни такиллатди; гала-говур тиниб, зал сув куйгандек жимиб колди. Имбер столга муштлаган нусхага эътибор қаратди. Бу кимса хокимлик кудратига эгадек туюлди, бироқ Имберга бошқаси, сал нарироқда ўтирган кенг манглайли барчасининг устидан бошлик бўлиб кўринди. Стол ортидан яна биттаси туриб, кўлига анчагина когозларни олди-да баланд овозда ўқий кетди. Кейинги саҳифага ўтишдан аввал у бармоқларини тупуклаб, бир томоқ кириб оларди. Имберга унинг сўзлари бегона, аммо колганлар тушунар, кошлари ўртасида чуқурча пайдо бўларди. Баъзан шундай даргазаб бўлишардики, хатто биттаси Имберни ҳақорат сўзлар билан сийлади, аммо стол ортидаги киши столга муштлаб, тингловчининг унини ўчирди.

Ваъзхон узок жавради. Унинг зерикарли маърузаси остида Имберни мудрок босар, баённома ниҳоясига етганда қария аллақачон туш кўраётганди. Кимдир уни окбаликликлар тилида исмини айтиб чақирганди, чол уйғониб, синглисининг ўгли – қачонлардир ўз қабиласини ташлаб, ок танлиларга кўшилиб кетган хинду йигитга кўзи тушди.

– Сен, шубҳасиз, мени эслолмайсан, – деди хинду йигит саломни хам насиё қилиб.

– Йўқ, эслайман, – жавоб қайтарди Имбер. – Сен Хаукансан. Кўп йиллар бурун бизни тарқ этгандинг. Волиданг хам омонатини топширганига анча бўлди.

– У кексайиб колганди, – ўзини оклади Хаукан.

Имбер жавобни хам эшитмай пинакка кетди, бироқ Хаукан елкасидан силкиб уйготди.

– Манави одам нималар ўқиганини сенга билдирмоқчиман. У сен қилган барча жинойтларни, қайсики, о тентак, капитан Александерга иқроқ бўлганларингни ўқиб эшиттирди. Сен яхшилаб ўйлаб кўриб, шулар тўғри ёки нотўғрилигини айтишинг дарқор. Сенга шундай амр этилди.

Хаукан миссионерлар орасида қун кўрар, ёзув-чизувни ўшалардан ўрганганди. Айни дамда анов ваъзхон ўқиган юпка когозларни ушлаб турар – уларга Имбернинг Жимми кўмагида капитан Александер ҳузурида айтган барча сўзлари туширилганди. Хаукан ўқишни бошлади. Имбер пича тинглади, юзида таажжуб пайдо бўлди ва дархол жиянининг сўзини бўлди:

– Бу менинг сўзларим, Хаукан, улар сенинг лаб-ларингдан учиб чикяпти, кулоқларинг эса сўзларимни эшитмаган.

Хаукан мағрурона илжайди, фарқи очилган сочларини силаб кўйди.

– Йўқ, о Имбер, улар когоздан чикяпти. Тўғри, кулоқларим уларни эшитмади. Сўзлар когоздан чиқиб, кўзим орқали миямга етиб боради, сўнгра лабларим уларни сенга етказди. Мана, улар қаердан чиқади.

– Шунақа дегин. Демак, улар когозда? – шивирларди Имбер ва когозни эгаллаган

белгиларга хадиксираб кўз ташлаб, ушлаб кўрди. – Бу гаройиб жоду. Сен, Хаукан, чинакам афсунгар экансан.

– Кўйсанг-чи, – деди йигит калондимоглигини яширолмаи.

Хаукан таваккалига бир варақни танлаб олди-да, ўқий бошлади:

– "Ўша йили, муз кўчишидан илгари, бола етаклаб олга бир оксоч чол пайдо бўлди.

Уларни ҳам ўлдирдим, ўшанда чол жони борича ўқирганди..."

– Бу бўлган гап, – деди Имбер хаяжонланиб. – У узок кичкирди, каршилиқ кўрсатди, ўлишни истамаганди. Бирок сен буларни каердан биласан? Сенга ок танлилар бошлиги айтган, чоги? Уларни ўлдирганимни ҳеч зог кўрмаганди, буни фақат ок танли бошликка айтгандим.

Хаукан ранжигансимон бош чайкади.

– Буларнинг бари коғозга ёзилган деб айтяпман-ку сенга, тентак.

Имбер сиёхли белгилар тўла коғозга синчиклаб боқди.

– Овчи ерга ястанган корга қарайди-да айтади: мана бу ердан тунов куни куён югуриб ўтган, анави ерда, буталар орасида, кулогини динг қилган, кейин эса нимадандир хурқиб расмини чизган; манави жойдан ортга қайрилиб, иргишлаб-иргишлаб қочиб қолган, хув, ана у ерда силовсин куённи доғда қолдирган; шу ерда, оёқлари чуқур ботган ерда, силовсин узун-узун сакраб шалпангулоқни қувиб етган; қолганига фақат силовсиннинг излари кетган. Овчининг ўткир кўзлари қордаги изга тушиши биланок нима бўлганини айтиб бера олади, сен ҳам коғозга қараб у ерда унақа, бу ерда бунақа бўлган ва барчасини қария Имбер қилган, деяпсан.

– Ха, шундай, – жавоб қилди Хаукан, – энди эса руҳсат беришмагунча тилингни тийиб, жимгина қулоқ сол.

Хаукан Имбернинг кўрсатмаларини узок ўқиди, чол бўлса ўйга толганча, мум тишлаб ўтирди. Кабиладошининг уни ўчғач, Имбер шундай деди:

– Буларнинг бари менинг сўзларим. Булар – ҳақиқат, Хаукан. Лекин мен анчайин қартайиб қолдим. Шундай эса-да анов бошлиқ билиши дарқор бўлган ҳамда аллақачонлар унутилган ишларни ёдга олаёпман. Эшит. Бир сафар Музтоғ ортидан қимса қелдики, қўлларида макқор темир қопқонлар бор эди; у Окбалик дарёси бўйларида қундуз овларди. Уни ўлдирдим. Кейин дарёдан олтин излаб ўч қиши пайдо бўлди. Уларни ҳам гумдон қилдим. Файв Фингерда ҳам одам ўлдирдим – у солда сузиб юрар, анчагина гўшт қамлаганди.

Имбер хотирасини қавлаштириб жим қолганда Хаукан унинг сўзларини таржима қилиб турар, қлерқ уларни ёзиб оларди. Оломон Имбернинг чўпчаги тоқи малласоч қилай қиши узокдан туриб қамон билан махв этиладиган жойига етиб қелмагунча ҳаёлларида майда қўнқилсизлик бўлиб туюлган бу "оддийгина" ҳикояга бепарво бўлишди.

– Жин урсин, – олдинги қатордаги тингловчилардан бири ўзини тутиб туролмади. Унинг нидосида қулфату нафрат баравар янгради. – Жин урсин, – такрорлади, – ахир бу менинг жигарим Билл-ку!

Ахён-ахён залда серзарда "жин урсин" янграб турди – на хай-хайлашлар, на огохлантиришлар малласочни тинчлантира олди.

Имбер тагин бошини ҳам қилди, кўзлари тевақар-жавонибни илгамасди. Ёлғизгина қексалиқ ёшлиқ, жўшқинликнинг ҳадсиз бесамарлиги борасида мулоҳаза юрита олганидек чол ҳам ўй-ҳаёллари саҳросини қезарди.

Хаукан судланувчини яна туртди.

– Турғил, о Имбер. Сенга маққур жинойтларга қўл урганнинг ҳамда бу ёқларга Қонун

излаб келишинг боисини тушунтириб бериш буюрилди.

Имбер аранг оёкка турди, мадорсизликдан оёклари калтирарди. Йўгон ва бироз титраган овозда гап бошлади, бироқ Хаукан уни тўхтатиб қўйди.

– Бу чол аклдан озибди, – мурожаат килди йигит инглизчалаб кенгпешонага. – Ёш боладай валдирамокда.

– Биз унинг валдирашларини эшитмокчимиз, – деди кенгпешона. – Биз уни сўзма-сўз охиригача эшитмокчимиз. Тушунарлими?

Имбер кахрли караш килди – жияни ок танли билан нималарни гаплашганини фахмлаганди. У яна тазаррусини – кайсики келгуси авлод учун бронзавий зарвараклардан жой олишга лойик бўлган кора танли фидойининг гайриоддий хикоясини бошлади. Оломон жодулангандай тош котди, кенгпешонали судья эса бошини кўлига тираб гўё хиндуинг кўнглини эшитарди. Сукунат аро тилмоч кескин бўлиб турган Имбернинг нидоси кезар, вакти-вакти билан малласочнинг "жин урсин"и ибодатхона кўнгиругидай янграрди.

– Мен ким – Имбер, Окбалик кабиласиданман, – чолнинг сўзларини Хаукан бегона тилга ўгирарди; Имбернинг нуткидаги таниш маром хамда кироат кулогига чалиниши захоти миссионерлик тарбияси-ла сугорилган тараккиёт аломатлари тўзгиб кетди ва унда одамёввойи уйгонди. – Отам Отсбаок баходир жангчи эди. Хали гўдаклигимда куёш нурларини аямас, юрак-ларимизда шодлик кезарди. Одамлар номаълумлик-лар томон чопишмас, бегона овозлар кулокка чалинмас, аждодлар удуми бизнинг удумимиз эди. Йигитлар кизлардан кўз узишмас, мохпоралар-да кўзларни кувонтирарди. Аёлларимизнинг этаги тўла бола-бакра эди. Кабиламиз кўпаяр, эркакларимиз хам ўша замонлар асл азаматлар эди. Улар уруш ва тинчликда хам, очлик ва тўкликда хам эр киши эдилар.

У замонлар баликлар ва паррандалар мўл эди. Итларимиз бўри зотли, юнглари калин, на кахратондан, на бўрондан хайикишарди. Аёзу довуллар юракларимизга кўркув солломасди. Пелли кабиласи ерларимизга оёк қўйишлари замон ўртада конли олишув кетарди. Негаки, биз асл эркаклар эдик, Окбалик кабиласининг кўргонлари; ота боболаримиз пеллилар билан курашиб келишди, тупрогимиз сархадларини химоя килишди. Биз уларнинг ишини давом эттирардик.

Кунлардан бир куни диёримизга биринчи ок танли ташриф буюрди. У корда эмаклаб келарди – мана бундай килиб. Эти устихонига ёпишиб колган, бунакасини сира кўрмагандик. Каердан, кайси кабиладан келди экан, дея хайрон бўлардик. У норасидадек нимжон эди. Биз мехмонни гулхан ёнига ўткиздик. Пўстинга ўраб, ош-нон бердик.

Келгинди ўзи билан бизнинг итларимизга учта келадиган итни эргаштириб олганди. Жонивор хам эгаси каби кучдан колган, юнглари калта, думи музлаб колганди. Бу галати жондорни хам корнини тўйгиздик. Гулхан атрофидан жой бериб, итларимизни нари хайдадик, йўкса бегона итни тилка-пора килишлари турган гап эди.

Бугу ва балик гўштини еб, келгинди ва ити анча кучга кирди. Жир битиб, келгиндининг овози кўтарилди. Кария ва йигитларимиз устидан кулиб, кизларимизга кўз олайтира бошлади. Ити эса бизникилар билан олишар, юнглари юмшок ва калта бўлса-да, бир марта учта итимизни гажиб ташлади.

Бу одамдан кайси кабиладансан, деб сўраганимизда у: "Менинг ога-иниларим бисёр", – деди-да, совук илжайиб қўйди. Нихоят кучга тўлгач, ўз юртига равона бўлди. У билан Нода, сардоримизнинг кизи хам кетди. Тез орада бир ургочи итимиз болалади. Бирор

маротаба бундай кучукбаччаларни кўрмагандик – хумбош, бакувват жагли, калта юнгли, бунинг устига ожизу ночор. Отам бу нотавон кучук болаларини кўриб фиғони фалакка етгани хамон ёдимда. Отам кўлига тош олиб кучукбаччаларни мажаклаб ташлади. Икки йилдан сўнг Нода хам кўлида ёш боласи билан кайтиб келди.

Хаммаси шундан бошланди. Кейинрок калта юнгли ит билан иккинчи ок танли келди. У хам бизнинг диёримизда узок турмади. Аммо итини колдирди. Устига-устак энг зўр олтига итимизни ўзи билан олиб кетди. Уларни Ку-Со-Ти – онамнинг укасидан ажобтовур тўппончага алиштириб олганди – олти марта кетма-кет ўк узадиган тўппонча. Ку-Со-Ти янги куроли билан гердаяр, ўк-ёйларимизни хотинлар овунчоги дерди. Ку-Со-Ти кўлида тўппонча билан айик овига отланди. Эндиликда тўппонча билан айик овлаш ахмоклик эканини хамма билади, лекин ўшанда биз буни каёқдан билардик? Ку-Со-Ти каёқдан билсин эди? У айик қошига шахд-ла борди-да, тўппончасидан олти марта ўк узди. Йирткич бўлса бўкириб Ку-Со-Тини тухум пўчогидай эзгилаб ташлади, асалари инидан оккан асалдай Ку-Со-Тининг мияси окиб тушди. У мохир овчи эди, энди унинг оиласини корамогига оладиган кўргон йўк. Биз барчамиз чукур кайгуга ботиб: "Нимаики ок танлилар учун яхши бўлса, бизни халокатга етак-лайди", – деган хулосага келдик. Чинданам шундай. Ок танлилар туфайли кавмимиз камайиб кетди, улар сабабли чўпдай озидик.

Кутилганидек учинчи ок танли хам пайдо бўлди. У турли егуликлар ва ажиб моллар эвазига йигирмата зотдор итларимизни эргаштириб кетди. Ортидан совгалар ва ваъдаларга учиб ўн нафар овчи йигитларимиз хам йўлга тушишди. Аммо каёкка – биров билмайди. Айтишларича, улар Музтогда кор остида қолишган ёки курранинг бир чети – одам қадами етмаган Сукунат Тепаликлариди ажалга йўлиққанмиш. Нима бўлган тақдирда хам окбаликликлар итлар ва овчи йигитларни кайтиб кўришмади. Ок танлиларнинг қадами еримиздан узилмас, совга-саломларини унутишмас, ёш йигитларимизни олиб кетишни хам канда қилишмасди. Баъзан йигитларимиз кайтиб келишар ва биз Пелли кабиласининг ери ортидаги кийинчиликлар хамда хавф-хатар хақида жон қулогимиз билан эшитардик, баъзан йигитларимиз ортга кайтишмасди. Шунда: "Модомики, ок танлиларга кўркув бегона экан, бу уларнинг кўплигидан. Бизлар окбалик кавми озчиликмиз. Шундай экан, ёшларимиз ортик бизни тарк этишмасин", дея қарор қилдик. Лекин йигиту кизларимизни ушлаб туrolмадик.

Тўгри, биз ун ва тузланган чўчка гўштини тановвул қилардик, чойхўрликни хуш кўрардик; лек агар бу тансик егуликлар етмай қолса, томошани кўраверинг – жахлимиз чиқиб, аклимизни йўкотардик. Келгиндилар олди-берди қилиш учун олиб келадиган матохларни кўмсай бошлардик. Савдо! Савдо! Биз биргина савдо-сотикни ўйлардик. Бир йили қишда гамлаб қўйган бари илвасинларимизни яроксиз соат, ўтмас арра ва занглаган тўппончага алмаштириб юбордик. Шундан сўнг очлик таъзиримизни берди, қиркча ёр-биродарларимиз бахорга етмай узилди.

"Ана энди кучсизланиб қолдик. Пелли кабиласи ерларимизни тортиб олади", деб тахликага тушдик. Бирок офат биргина бизда эмаскан – пеллилар хам дармонсизланган, биз билан жангга қиролмасдилар. Отам Отсбаок у вақтлар хийла кексайиб қолган бўлса-да, донолигини йўкотмаганди. Ўшанда отам рахнамомизга шундай деди: "Кўриб турибсан, итларимиз ҳеч нарсага ярамай қолди. Қалин юнгларида асар қолмади, ўз вазифаларини адо этиб бўлишди, чана хам тортолмайдилар. Яхшиси, уларни сўямиз, фақат бўри зотли ургочиларни ўрмонга қўйиб юборамиз. Балки шунда қалин юнгли, бакувват итларимиз авлоди яна давом етар".

Тез орада отамнинг башорати тўғри бўлиб чикди. Окбалик кабиласи курранинг энг зўр итлари билан донг таратди. Итлари билан – одамлари билан эмас. Йигит-кизларимиз ок танлилар ортидан номаълум сўқмоқлару дарёлар ортига гойиб бўлишарди. Кизларимиз ортга кайтишни минбаъд хаёлларига келтиришмас, кайтганлари ҳам Нода сингари дардманд, каримсик бўларди. Яқинлари даврасига кайтган йигитларимиз эса хонадонларига сигмасдилар. Саёхатлари давомида кўрслик ва бадфеълликдан ўзгасини ўрганишмаган, иблис сувига кул бўлишган, куну тун картадан бош кўтаришмасди; илк учраган келгинди чакириги билан яна бегона ўлкаларга ошикардилар. Катталарга хурматни унутишган, кишини менсишмас, кўхна урф-одатларимизни мазах килишар, сардоримиз ва шомонимиз устидан кулишарди. Окбалик кабиласи тобора кучини йўкотар, заифлашиб борарди. Тамаки, виски, юпун кийим-кечак ўрнига мўйна ва пўстинларимизни жон-жон деб тутказардик. Йўтал бизга хужум бошлаган, эркагу аёллар бирдай касалманд, кечаси сурункасига йўталиб чикишар, овчиларимиз ўрмонга чикибок корга кон тупуришарди. Гох унимиз, гох бунимизнинг бўғзимиздан кон келар, окибат кўпчилик жон таслим киларди. Тугилиш кескин камайган, дунёга келган чакалоқлар ҳам дардчил эди. Келгиндилар биз хали дуч келмаган бошка тушунарси хасталикларни олиб келдилар. Кейинчалик билишимча, бу касалликлар чечак ва кизамик деб аталаркан – биз касалликлар "шарофати" билан кузда увилдиригини ташлагандан сўнг яшашининг хожати колмаган балик каби халок бўлардик.

Энг ачинарлиси, ок танлилар ўлим лашкарини бошлаб келишарди, барча удумлари ажал ёкасига етакларди, нафаслари ўлим оловини пуркар, ўзларини эса жин ҳам урмасди. Уларда виски, тамаки, калта юнгли итлар билан бирга чечак, кизамик, йўтал ҳам бор; улар ок танли ва улар кахратон, бўрондан зир титрашади; куроллари ҳам ахмокона: пайдар-пай олти марта ўк узадими-ей. Бутун бошли касалликларига карамай улар эт олиб, кучаяверишади, кўллари хамма ёкка етади, барчани эзгилаб-топтайдилар. Аёллари эса сумбатидан нозикнихол кўринса-да, аслида саботлидирлар – алпкелбат эркакларни дунёга келтиришарди. Демак, нозиктабиатлилик, касаллик, заифлик куч-кудрат ва хукмронлик кобигига ўралар экан. Ок танлилар ё илох, ё иблис – бунисини билмайман. Окбалик кабиласидан бўлган мен, Имбердек чол, ниманиям билардим? Факат бир нарсани биламанки, бу жахонгашта ок танлиларни тушуниб бўлмайди. Юкорида айтганимдек, ўрмонда кушлар овози тиниб колди. Тан олиш керак – келгандилар куроли узокдагини уриб туширади, бироқ отишга хеч вако бўлмаса, куролдан не наф? Болалигимда бугулар хар тепаликда учрар, саногиде хисобсиз эди. Энди эса ўн кунлаб тепалик ошсанг хам бирорта бугуни учратмайсан. Шундай килиб, мен, Имбер Окбалик кабиласининг таназзулини, Пелли кабиласининг халокатини, умуман ўлканинг барча кавм-кабиласини тугаб битаётганини кўриб, узок ўй-хаёлот дунёсида кездим. Шомон ва доно кексаларимиз билан мусохаба килдим. Одамлар шовкин-сурони ўйлашимга халал бермасин учун ўрмон ичкарасига кириб кетдим, меъдамга огирлик килмаслиги ва кўз-кулогимни заифлаштирмаслиги учун гўшдан воз кечдим. Уйкуни унутиб, ўрмонда узок вақт ўтирдим, кўзларим ишора кутар, кулоқларим барчасини бартараф килишга имкон берувчи сўзни илиб олишга шай эди. Тунлари шамол нола килаётган, ёмгир кўз ёш тўкаётган бир пайтда дарё ёкасига ёлгиз чикдим. Аллакачонлар рихлатга равона бўлган доно кексалар ва шомонлар шарпасини учратиб, улардан маслахат олиш ниятида эдим. Алалокибат шарпалар кўринди – калта юнгли жирканч итлар – ва нима килмок

кераклигини дархол англадим. Овулга кайтиб жангчиларимизга шундай дедим: "Ок танлилар – жуда улкан кабиладирлар. Ўз ерларида емак колмагач, бизнинг заминимизга кўз олайтиришмоқда. Улар туфайли заифлашиб, халок бўлмоқдамиз. Улар еб-тўймас юкодирлар. Агарки, биз тирик колмокчи эканмиз, итларига кандай чора кўллаган бўлсак, ўзларига хам шуни кўллашимиз даркор".

Мен курашишни таклиф килдим. Окбаликликлар менга кулок беришди, бироқ бирортаси мард бўлиб ўртага чикмади. Йигитларимиз юраксизлик килишди, лекин лом-мим демай ўтирган чолларнинг кўзида учкунни пайкадим. Кечкурун, овул уйкуга кетгач, яширинча қарияларни ўрмонга чакирдим. Узок фикр алмашиб, бир тўхтамак келдик. Заминимиз эркин нафас олган ёшлик онларимизни, шод ва фаровон кунларимизни ёдга олдик. Бир-биримизни ога-ини деб атадик, сир-розимизни фош этмасликка хамда тупрогимизни ёвуз келгиндилардан тозалашга касамёд этдик. Энди равшанки, булар ахмоқликдан бошқаси эмасди, аммо ўша дамлар бизлар, Окбалик кабиласининг қариялари буни қаёқданам билардик?

Уларга намуна бўлиш ва рухлантириш учун биринчи бўлиб ўзим котилликка кўл урдим. Юкон киргогига писиб беркиндим-да, ок танлилар каноэсини кутиб турдим. Кайикда икки киши ўтирарди. Ўрнимдан туриб кўлимни кўтардим. Улар киргок томон сузишди. Кайик бурнида ўтирган киши нима гаплигини билиш учун бошини кўтаргани замон кўлимдаги пайкон учиб бориб халигининг бўғзига кадалди. Иккинчиси, кайик куйругидагиси, куролини олишга хам улгурмади – найзамни гарданига санчиб кўйдим. "Бу бошланиши, – дедим касоскор биродарларимга. – Биз хали барча кабилаларнинг барча қарияларини, кейинрок юрагида ўти бўлган йигитларини хам бирлаштирамиз. Ана унда ишимиз жадаллашиб кетади".

Кейин халиги икки мурдани дарёга ташладик. Каноэни эса – каноэ энг яхши кайиклардан эди – ичидаги буюмлари билан ёкиб юбордик. Лекин аввал буюмларни кўздан кечирдик. Тери халталарини пичок билан йиртиб кўрганимизда ичи тўла сенинг ўкиганларингга ўхшаган, о Хаукан, белгилар билан копланган когозлар эди; чандон уринсак-да, белгиларни тушунмадик. Энди эса аклим кириб, уларни тушуна оламан: бу, сен айтгандек – бани башарнинг сўзлари...

Хаукан каноэдаги икки ок танлининг ўлимини аранг таржима килиб улгурдики, залда гўнбир-гўнбир бошланди.

– Бу тўксон биринчи йили гойиб бўлган почта-ку! – кимнингдир овози янгради. – Уни Питер Жеймс ва Дилэни олиб кетишаётганди. Икковини сўнгги марта Ла-Барж кўлида Мэттьюз кўрганди.

Клерк барчасини шоша-пиша ёзаркан, Шимол тарихига янги боб кўшиларди.

– Бу ёғи оз колди, – сўзини давом эттирди Имбер. – Нимаики каромат кўрсатган бўлсак, барчаси когозга туширилган. Биз қариялар ўша пайтда нима килаётганимизни билмасдик. Биз фақат ўлдирардик; биз устомонларча ўлдирардик. Негаки яшаб ўтган йилларимиз ўз ишимизни шошмасдан битиришга ўргатган эди. Бир куни ок танлилар хузуримизда пайдо бўлишди. Улар бизга газаб-ла тикилиб, хакоратли сўзлар ёғдиришди. Олтита ўспиринимизни кўлига кишан солиб, олиб кетишди. Ўшанда тушуниб етдикки, биз янада маккорона ва кўпрок ўлдиришимиз керак. Биз дарё бўйлаб юкори ва куйига, бегона ўлкаларга таркадик. Бундай таваккалчилик учун отнинг калласидек юрак бўлиши талаб килинарди. Қариб-картайиб кўркувни юракларимиздан ўчириб ташлаган бўлсак-да, узок ва бегона юртлар олдида хадиксирашимиз табиий эди. Шу тарзда жинойтларимизни амалга оширардик – шошмасдан, айёрона. Биз Чилкутда

хам, Делтада хам, довонда хам, киргокларда хам – каерда бўлмасин, ок танлининг манзилгохи учраса ёхуд сўзмок солган бўлса, бир одамнинг хаётига зомин бўлардик. Ха, ок танлилар кириларди, лекин бундан нима наф кўрдик? Улар тог ортидан тушиб келишар, кун сайин кўпайиб боришарди, биз чолларнинг эса, аксинча, сафимиз камайиб борарди. Ёдимда, Бугу Довонида бир ок танли кўналга куриб жойлашди. У паканагина эди. Уйкудалигида уч нафар котил-чоллар хужум килди. Эртаси куни уч қариянинг жасадига дуч келдим. Ок танли эса хали хам нафас олар, ўлими олдидан, хатто мени лаънатлашга хам иродаси етганди.

Бор гап шу. Бугун бир оксоколнинг умри поёнига етади, эртага бошқасининг. Баъзан талай вақт ўтиб ўзимизникиларнинг вафоти хақида эшитиб колардик. Ўзга кабила чоллари куёнюррак эдилар, бизга мадад беришни ўзларига эп кўришмади. Шундай килиб, қариялар бирин-кетин тўкила бошладик – биргина мен колдим. Мен ким, Имбер, Окбалик кабиласиданман. Отам Отсбаок баходир жангчи эди. Окбалик кабиласи тугаб битди. Мен ушбу кабиланинг сўнги вакилиман. Эркак ва аёллар ўз масканларини тарк этишди – кимдир Пелли кабиласига, кимдир Лосос кабиласига, аксарияти ок танлилар юртига гумдон бўлишди. Мен анчайин қариб колдим, жуда хам чарчадим. Конунга қарши беҳуда куч сарфладим. Сен хаксан, Хаукан – мен бу ерларга Конун излаб келдим.

– Сен чинакамига тентаксан, о Имбер, – яқун ясагандай деди Хаукан.

Бирок Имбер хаёлот оламига шўнгиб, кулоклари том битганди. Кенг манглайли судья хам чуқур ўйга толганди: кўз ўнгидан совут кийган, конун ўрнатувчи хамда бошка халклар тақдирини белгиловчи бутун бошли элати савлат тўкиб ўтди. Бу судья жаноблари ўз элатининг қоронгу ўрмонлар ва сокин денгиз сайхонликлари узра аргувон шўлалар ила бош кўтарган ўтмишининг субхини кўз олдига келтирди. У тантанавор равишда ёғду сочаётган кундуз билан алмашиб, тепаликлар оша қонга тўйинган кум мисол соя ташлаб, тун ортига югургилаётган шафакни кўрди... Ва шуларнинг барчаси ортида адолат тарозиси, қайсики Унинг номи ила иш кўрадиган ёхуд Унинг залвори остида жон таслим этувчи хақир инсон зотидан-да қудратлироқ, қайсики юраги шафқат тилаётган хақамнинг ўзидан-да кучлироқ, мутлак ва ёвуз Конун қад кўтарди.

Русчадан Саиджалол Саидмуродов таржимаси

«Ёшлик» журналининг 2012 йил 9-сонидан олинди.